

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯНИ ШАКЛАНТИРИШДА МОНЕТАР ОМИЛЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Усманов Баходир

"UzAssets" investitsiya kompaniyasi"

акциядорлик жамияти Йиғма ахборот-таҳлил
ва фаолиятни қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиги,
ТДИУ мустақил тадқиқотчиси

Аҳолининг кам таъминланган қатлами давлат бюджетидан ижтимоий ҳимоя учун харажатларни ошиб боришига таъсир кўрсатади. Бюджетнинг аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари соликлар ҳисобидан молиялаштирилади. Булар сирасига камбағаллик чегарасидан кам даромадга эга бўлган ва ижтимоий ҳимоянинг турли шаклларига муҳтоҷ бўлган қуидаги аҳоли гуруҳларини киритиш мумкин:

- 2 ёш ва 18 ёшгача фарзанди бўлган оиласлар;
- фарзандлари сони кўп бўлган оиласлар;
- бокувчисини йўқотганлар;
- ёлғиз яшовчилар (оила қурмаган, ёши катта қариялар ва ҳ.к.);
- ногиронлиги мавжуд (туғма ёки меҳнатда майиб) бўлган шахслар.

Рўйхатда келтириб ўтилган аҳоли қатламининг бири (ёки бир нечтаси)га мансуб бўлган шахслар юқори даромад олиш имкониятига эга бўлмаслиги мумкин. Бу эса, давлат бюджетидан ижтимоий ҳимоя учун харажатлар ҳажмини ошишига олиб келиши табиий ҳол ҳисобланади. Натижада, мамлакатда инсон капитали категориясининг пасайиши вужудга кела бошлайди. Ўз навбатида, яратиладиган янги қийматда илмий (ёки меҳнат) сифимкорлигининг йўқолиб бориб, унда табиий сифимкорликниң сақланиб қолишига олиб келади. Бошқача айтганда, табиий ресурслар ҳисобидангина иқтисодий ўсишга эришиш кун тартибидаги асосий устуворлик аҳамиятига эга бўлиб қолади.

Фикримизча, аҳоли турмуш фаровонлигини белгилаш аҳоли даромадларига асосланган ёндашув билан шаклланиши монетар омилларнинг кенгайишига имконият берди. Шунингдек, номонетар омиллар эса, турмуш фаровонлигини таъминлашда даромадларнинг ўзи етарли эмаслигини намоён қилмоқда. Бу борада, инсонларнинг меҳнат қилишдан бўш вақтларининг ҳам инобатга олинишини таъкидлаш лозим. Шу нуқтаи назардан, аҳоли турмуш фаровонлигини аниқлаш, уни баҳолашда хусусий ва умумий омилларни инобатга олиниши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Аҳоли турмуш фаровонлиги охирги йилларда сезиларли ўзгара бошлади. Ушбу тенденциянинг ривожланишида икки жиҳат алоҳида ўрин тутади. Биринчидан, глобал ўртacha даромаддан юқори даромадга эга мамлакатларда камбағаллик миқёсининг камайиб бораётганлиги, иккинчидан аҳолининг

ижтимоий соҳа ва коммунал хизматларга бўлган эҳтиёжининг қондиришга бўлган рақамларнинг ўсиб бораётганлиги билан изоҳланади.

Аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда ривожланган мамлакатлар билимга асосланган иқтисодиётни шакллантириш орқали аҳоли даромадлари манбасини кенгайтиришга эришмоқда. Шунингдек, аҳолининг электр ва ичимлик сувига бўлган эҳтиёжларини қондиришда яшил иқтисодиёт тамойилининг ривожлантирилиши натижасида арzon энергия ресурсларидан фойдаланиш имкониятлари вужудга келди.

Жаҳон банкининг маълумотларига кўра, глобал ЯИМ киши бошига ўртacha 1960 йилда 456,8 АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2022 йилда 12647,5 АҚШ долларига тенг бўлган. Ушбу қўрсаткич тенденциясининг бу каби ривожланиши аҳолининг сотиб олиш қобилияти ўсиб бораётганлигини англатади. Ўз навбатида, 1950 йилда қашшоқлик мақомида истиқомат қилаётганлар ер шари аҳолисининг 58,5 фоизига тенг бўлган бўлса, ушбу рақам 2020 йилга келиб 8,1 фоизни ташкил этган [1].

Кембридж университети профессори Х.Далтон 1920 йилда эълон қилган мақоласида даромадлар тенгсизлигини баҳолашга нисбатан илмий ёндашувларни баён этиб беради [2]. Унинг фикрича, иқтисодий фаровонлик нұқтаи назаридан тенгсизлик аниқланганда даромадларга асосланиш зарурлигини таъкидлаб ўтади. Бу эса, даромад ва иқтисодий фаровонлик ўртасида узвий боғлиқлик юқорилигини кўрсатишини асослашга ҳаракат килади. Даромад ва иқтисодий фаровонлик ўртасида тўғри пропорционал боғлиқлик мавжудилиги асослаб беради. Унинг тадқиқотларида даромад асосий мезон сифатида олинади.

Ўтган асрнинг 70-йилларидан бошлаб иқтисодий тенгсизликка нисбатан илмий ёндашувлар ишлаб чиқилиши бошланди. Жумладан, Кембридж университети яна бир профессори А.Аткинсон 1970 йилда даромадларга асосланган ҳолда ижтимоий фаровонликни баҳолашга ҳаракат килади [3]. У жисмний шахслар даромадининг тақсимотини солиқ тўлагунча ва тўлагандан сўнгги ҳолатида қандай бўлишига эътибор қаратишни таклиф этади. Даромадларнинг тақсимоти тенг бўлган ҳолда ижтимоий фаровонлик таъминланган деб ҳисоблайди. Даромадлар тенгсизлигини таъминлашда солиқ сиёсати орқали таъсир қўрсатиш ва уни қайта тақсимлаш функциясидан фойдаланган ҳолда амалга оширишни тавсия этади.

Иллиноис университети профессори А.Айнер ва А.Хейнс 1967 йилда даромадлар тенгсизлиги борасидаги тадқиқотларни амалга оширишади [4]. Уларнинг фикрича, даромадларни солиқлар ёрдамида прогрессив ставкани қўллаган ҳолда барқарор тақсимотига эришиш мумкинлигини ижобий баҳолашади. Бироқ, ушбу прогрессив ставка ходимларнинг меҳнатга иштиёқини камайтиришига олиб келса ялпи даромад кўлламини пасайиши вужудга келишини қўрсатиб беришади.

Фикримизча, кўп фарзандли оиласарда меҳнатда банд бўлиш ва даромадга эга бўлиш тенг тақсимотга эга бўлмаётганлигини кузатиш мумкин. Бошқача айтганда, 4 нафар ёки ундан кўп фарзандга эга бўлган оиласар меҳнатда банд бўлса (кичик

бизнес ва хусусий тадбиркорликда банд бўлиши назарда тутилмоқда) даромадлар тақсимоти нотекис бўлмоқда. Бу эса, қўп фарзандли оиласарга ижтимоий ҳимоя асосида давлат бюджетидан ёрдам бериш заруратини яна бир марта ўзида ифодалаб беради, деб ўйлаймиз.

Бизнингча, ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ аҳоли қатлами улуши шаклланишида аҳоли жон бошига реал умумий даромадлар, кичик бизнесда банд бўлиш ва оилада фарзандлар сони каби категориялар сезиларли таъсирга эга бўлмоқда. Тадқиқотлар асосида қайд этиш лозим, мазкур кўрсаткичларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ аҳоли қатлами улуши билан тескари пропорционал эканлиги мазкур кўрсаткичларнинг аҳамияти юқорилигини ифодалайди.

Шу боисдан, ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ аҳоли қатлами улуши камайтиришда аҳоли даромадларини ошириш ва меҳнатда банд бўлишига эришиш, шунингдек ижтимоий ҳимоя параметрларини белгилашда оила аъзолари сонини инобатга олиш мақсадга мувофиқ эканлигини таъкидлаш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Жаҳон банки маълумотлари. <https://data.worldbank.org/indicator/NY.GDP.PCAP.CD>
2. Dalton, H. (1920). *The Measurement of the Inequality of Incomes*. *The Economic Journal*, 30(119), 348. doi:10.2307/2223525
3. Atkinson, A. B. (1970). *On the measurement of inequality*. *Journal of Economic Theory*, 2(3), 244–263. doi:10.1016/0022-0531(70)90039-6
4. Aigner, D. J., & Heins, A. J. (1967). *A social welfare view of the measurement of income equality*. *Review of Income and Wealth*, 13(1), 12–25. doi:10.1111/j.1475-4991.1967.tb00732.x

ДАВЛАТ МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИ ҲИСОБ ПАЛАТАСИ ТОМОНИДАН МУВОФИҚЛАШТИРИШ

Гофуров Бекзод
“Ўзбекистон Республикаси
Банк-молия академияси” тингловчиси

Сўнгги йилларда давлат молиявий ресурсларини самарали бошқариш, бюджет маблағидан мақсадли фойдаланиш устидан давлат молиявий назоратини янги босқичга кўтариш бўйича кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди.

Палатанинг ва Давлат молиявий назорати инспекциясининг ҳукуқий мақоми ўзгартирилди. Бюджет маблағларидан мақсадли ва оқилона фойдаланиш устидан қатъий назорат ўрнатиш борасида Ҳисоб палатаси фаолиятининг самарадорлиги ҳамда унинг назорат шакллари тубдан ўзгарди. Бугунги кунда палатада 33 та давлат органи ва ташкилотининг 78 турдаги маълумотлар базаларидан реал вақт режимида электрон сўров асосида автоматик фойдаланиш тизими йўлга қўйилган. Бу каби вазифалар ижросини сифатли таъминлаш Ҳисоб палатасининг бюджет интизомини мустаҳкамлаш ва молиявий камчиликларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятини